

**NAZORAT QILUVCHI
ORGANLAR FAOLIYATINI
MUVOFIQLASHTIRUVCHI
RESPUBLIKA KENGASHI
Q A R O R I**



100011, Тошкент ш., А.Қодирий кўчаси, 13-А, Тел. : (371) 244-89-46, факс: (371) 244-44-18

2017 йил "11" декабрь

№ 236

**Назорат қилувчи органлар томонидан якка тартибдаги
тадбиркорлар фаолиятидаги текширишларни мувофиқлаштириш
ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг иловасига
қўшимча киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 сентябрдаги ПҚ–3286-сон “Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши қарор қилади:

1. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг 2017 йил 14 мартдаги 1-сон қарори (рўйхат рақами 2879, 2017 йил 6 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 19-сон, 348-модда) Назорат қилувчи органлар томонидан якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятидаги текширишларни мувофиқлаштириш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг иловаси куйидаги таҳрирдаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, “Саноатгеоконтехназорат” давлат инспекцияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари томонидан дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш, норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш ишларининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 сентябрдаги ПҚ–3286-сон “Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори талабларига мувофиқ амалга оширилиши устидан назорат ўрнатилганда.”.

2. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси
Бош вазири,
Республика кенгаши раиси**



А.Н.Арипов